

Ўзбекистон темир йўллари – келажакка интилмоқда

Илмий раҳбар: Р.Т.Тоштемиров. арх.н, Р.Т.Пардаев магистрант (СамДАҚИ)

Халқимиз азал-азалдан йўл очган, одамларнинг узоғини яқин қилган инсонларни эъзозлаб, бу ишни дунёдаги энг савобли амал сифатида улуғлайди. «Умрингдан бир кун қолган бўлса ҳам кўчат эк, кўприк сол, йўл кур!». Бугунги кунда инсоният тамаддунида транспорт-коммуникатсия тармоғининг ўрни ва роли ўн, ҳатто юз чандон ошди, десак асло муболаға бўлмайди. У давлатлараро иқтисодий интеграция асосига айланиб, мамлакатларнинг қудрати ва салоҳияти ушбу тизимнинг янада ривож топганига боғлиқ. Ҳох у темир йўл, автомобил йўли бўладими ёки ҳаво, сув йўли бўладими, бугунга келиб аҳамияти шу қадар ортдики, ундан ҳатто сиёсий восита сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. «Йўлга эгалик қилган — дунёга эгалик қилади» деган қарашлар пайдо бўлаётир.

Бу борада мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримов мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ҳар томонлама қулай ва замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш ва ташқи бозорларга янги йўлларни очиш ташаббусини илгари сурди. «Дунё бозорига чиқиш биз учун жуда муҳим масаладир. Биз маҳсулотларимизни жаҳон бозорида сотсак, қатъий валютага ега бўламиз. Бунинг учун темир йўл, автомобил йўли, ҳаво йўли каби коммуникацияларимизни жойига қўйиб олишимиз керак. Хитой орқали Шарққа, Эрон ва Туркия орқали Ғарбга, Форс кўрфазига чиқиш ҳаракатини қилмодамиз. Биз Ҳинд океанига ҳам чиқишимиз зарур. Шунда савдо-сотиқни, импорт ва экспортни ривожлантириш, демакки, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш имкониятига ега бўламиз. Бу реал имконият деган эди мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов.

2007-йил 24-август куни «Тошғузар — Қумқўрғон — Бойсун» янги темир йўлини ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодиётда катта воқеа бўлди. Унинг узунлиги 223 километр бўлиб, темир йўл линияси бир кеча-кундузда 14 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга. Ушбу магистралнинг узлуксиз

фаолияти туфайли йирик индустриал лойиҳаларнинг амалга ошириш имконияти, ижтимоий инфратузилманинг ривожланаётгани, бугун Призидентимизнинг уни бунёд этиш борасидаги қарори нечоғли чуқур ўйлангани ва узоқни кўзлаганлигидан далолат беради. Биз учун нафақат стратегик муҳим транспорт йўлаги, балки мамлакатимизнинг жанубий минтақаси – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини барқарор иқтисодий ривожлантириш, уларда ҳаётий аҳамиятга эга ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини юксалтиришда катта омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон тараққиёти учун стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу темир йўл қурилишининг тарихга айланган босқичларини эслаб ўтиш жоиздир. Мураккаб тоғ шароитида барпо этилаётган янги темир йўл линиясининг денгиз сатҳидан 1800 метрдан ортиқ баландликда, чўққи даражасидаги тоғ тизмасини кесиб ўтишида энг илғор технологиялар, замонавий ускуналар ишга солинди. Янги темир йўлни бунёд этиш давомида жами 37 кўприк, галерея ва туннел барпо этилди, 5 – та вокзал “Тошғузар”, “Дехқонобод”, “Оқработ”, “Дарбанд” ва “Бойсун”, 15 ажратма шохобча, шу жумладан, 7 станция ва 8 разезд қад ростлади.

2011 йил 30-августда «Тошкент — Самарқанд» темир йўли йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электропоезднинг такдимоти бўлиб ўтди ва бу Мустақиллигимизнинг 20-йиллигига муносиб совға бўлди. "Афросиёб" электропоезди 250 км/соат тезликда ҳаракатланиш имконига эга бўлиб, унинг илк қатнови Тошкент – Самаранд темир йўл участкасида йўлга қўйилди. "Афросиёб" электропоезди икки асосий локомотив, 8 та йўловчи вагонлари ва битта вагон-ресторандан иборат. Поездда ВІП-жойлар, биринчи ва иқтисод класслари мавжуд. Поезд 257 йўловчига хизмат қилади. Поезднинг максимал тезлиги 250 км/соат бўлиб, Тошкентдан Самарқандга икки соатда етиб келади. Аини пайтда "Регистон" тезюарар поезди бу масофани 3,5 соатда босиб ўтади.

Республикамизда яна 2011 йилдан бошлаб Тошкент – Самарқанд - Қарши йўналишида "Афросиёб" тезюрар поезда катнови йўлга қўйилди. Узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йилларда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, мавжудлари реконструкция илинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар ташкил этилиб, янги вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари таъмирланди, буни Тошкент – Самарқанд – Қарши – Бухоро вокзали мисолида кўришимиз мумкин.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг барпо этилиши Фарғона водийси вилоятларини Республика марказий қисми билан боғлаш имконини берди унинг 123,1 км узунликдаги Ангрен-Поп темирйўлининг Қамчик довонидан ўтган 19,1 километрлик туннели хитойлик мутахассислар томонидан қурилган ва жиҳозланган. Бу эса Ўзбекистон тараққиётида улкан воқеа, халқимизнинг тарихий ютиғидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев янги қурилган Бухоро вокзалини бориб кўрди ва узининг керакли маслаҳатларини берди. Бухоро вокзали ичида VIP ва турли хизматлар кўрсатиш заллари, тиббиёт, она ва бола, дам олиш хоналари, кутубхона, буфет, савдо шохобчалари мавжуд. Майдони 2,9 гектар бўлган вокзал бир вақтнинг ўзида 500 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатади. Бир кеча-кундузда 2 мингдан ортиқ йўловчини кутиб олиб, жўнатиш имкониятига эга.

Президентимиз Бухоро – Мискин темир йўл қурилишининг ҳам бориши билан танишди. Бухоро – Мискин йўналиши бўйича қуриладиган темир йўлда 8 та темир йўл стансияси ва разездлар барпо этиш мўлжалланган. Ушбу темир йўл узунлиги 350 километрдан зиёд.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 15.04.1999й № 766-И

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Темир йул транспортини монополядан чиқариш ва аксиялаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2001.03.02 ПФ2815
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 2015.03.06. 23.13-сонли қарори.